

Байрамнинг муборақ бўлсин, мухтарам онахонлар, азиз опа-сингиллар!

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шукўзли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборақбод этиб, эзгу тилақларимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмуну ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўраимиз, аёл зотини Яратганинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб сазовати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига севаги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйлайманки, бузун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намойиш қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-этибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама раванқ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиши йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқийёс ҳиссаси борлигини биз ҳаммисиз миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан мухтарам аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзғорни, умуман, оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсилларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда — ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жаҳалларда, хусусан, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Соғлом она — соғлом бола” сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қиладиганлигини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол — мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қиладиган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани аңглатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга “Обод тур-

муш йили” деб ном берганимиз ва шу асосда давлат дастури қабул қилганимиз замирида аввало ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджетини харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олинган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йилда яна бир салмоқли қадам бўлади.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиши каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани айниқса эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиши, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгиб қилиши масаласи ҳам, табиийки, эътиборимизда марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгилаштириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган машиный техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажминини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиши жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиши учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур ҳурраматини ихсоз этиб, бир фикрни билдиришмоқчиман.

Аёл зотига, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳужм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳам-жиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқийёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзининг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлиши 8 март байрами билан самимий табриқлайман.

Умрингиз узок, ризқу насибанингиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша топингиз баланд бўлсин!
Хонадонларимиздан шоуду хуррамлик, кут-барака аримасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ОИЛАДА – ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА – ФАОЛ

«ТУРКИСТОН» САРОЙИДА 7 МАРТ КУНИ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опасингилларимизга боғлиқ.

“Туркистон” саройида 7 март куни тантанали тадбир бўлиб ўтди. Саройга турли соҳаларда самарали меҳнат қиладиган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, дикий маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, сенатор-

лар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамизи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош

вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятини рўйбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қиз-

ларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз билими ва қобилиятини намойиш этиши учун кенг шариот яратиш борасидаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омили бўлаётди. Юртимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни кучайтириш, туғруқ ёшидаги аёлларни ихтисослаштирилган тиббий кўриқдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она – соғлом бола» тамойилини кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ ТОПШИРИЛДИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ АРАФАСИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОСИ, ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР НАФИСА МЎМИНОВАГА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ СОВФАСИ ТОПШИРИЛДИ.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида мамлакатимиз ёшлари болаликдан спорт билан шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, халқаро майдонларда юксак натижаларга эришмоқда.

Буни фарғоналик шахматчи Нафиса Мўминова мисолида ҳам кўриш мумкин.

Нафиса тўрт ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, шахмат ўйнашни кунт билан ўрганди. 2002 йилда ўн икки ёшгача қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида йўлланма олди. Дунёнинг энг кучли 64 шахматчиси дона сурадан ушбу турнирда қатнашган учун Марказий Осиё минтақасига ажратилган ягона йўлланмани қўлга киритди ва ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

Олти йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшга



ча бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Қўллаб халқаро турнирларда хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. 2010 йилда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёзги Осиё йўнларининг жамоавий баҳсларида терма жамоамиздаги дугоналари — Ольга Собирова, Юлдуз Хамроқуллова, Нодира Нодиржонова билан бирга кумуш медални қўлга ки-

тақдирланди. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Шахмат федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз совғасини Нафиса Мўминовага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Ж.Қосимов топширди.

Ўзбекистон ёшлари, жумладан, спортчи ёшларимиз эришаётган мамлакат ва халқаро миқёсдаги юксак натижалар истиклолимиз шарофати ва давлатимиз раҳбарининг эътибор ва ғамхўрлиги туйғайлидир, — деди халқаро гротсмейстер Н.Мўминова. — Президентимиз совғасини олиш ҳар бир спортчи учун улкан шарниф ва бундай бахт менга ҳам насиб этганидан жуда хурсандман. Юртбошимиз Рустам Қосимжоновга ҳам замонавий компьютер совға қилган эдилар. Бунинг самарасида Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини қўлга киритди. Жаҳон чемпиони бўлиш — менинг ҳам олий максادم. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар камолотига қаратаётган юксак эътибори бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Ўза муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2013 йил 7 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибига мамлакатимизда амалга оширилаётган либерал ислохотларни янада чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш билан боғлиқ масалалар киритилди.

Чунончи, депутатлар парламент кўйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Депутатлар шуни таъкидладиларки, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари ҳаётга изчил татбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини яратишга, давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини қабул қилиниши ва амалга оширила бошлаши бу соҳада олиб борилмаётган кенг кўламли ишларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтарди.

Бугунги кунда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари олдидан қонунчилик жараёнини янада демократлаштириш, ўтказилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун парламентдаги сиёсий партиялар фаоллаштириш, уларнинг роли ва масъулиятини ошириш, бу жараёнда аҳоли турли гуруҳлари ва қатламларининг манфаатлари ҳамда оғруқимидларини ҳисобга олиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Сиёсий партиялар ўз устав ва дастурий вазифаларини янада фаолроқ бажаришлари, қонунларни қабул қилиш ва амалга ошириш, парламент назорати механизмида фойдаланиш орқали ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим.

Айнан шу мақсадда қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш механизмининг жиддий ўзгаришларидан

тартиб белгиланмоқда, мазкур тартибга мувофиқ қонун лойиҳаси айна бир вақтнинг ўзида ва бир муддатда ҳам сиёсий партиялар фракцияларида (депутатлар гуруҳларида), ҳам масъул қўмитада кўриб чиқилади. Энди масъул қўмита сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифларини ҳисобга олмасдан туриб қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқаришга ҳақли эмас. Ушбу норма сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнини барча босқичларида қонун лойиҳасини маромига етказиш ишларида фаол қатнашиш ҳуқуқини кенгайтиради, уларга қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш босқичидаёқ ўз сиёсий партияларининг дастурий мақсадлари, электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз аниқ нуктаи назарини билдириш, қонун лойиҳасининг у ёки бу қондаларига доир ўз фикрини ҳимоя қилиш имкониятини яратди.

Қонун лойиҳасида, шунингдек, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси мажлисларида кўриб чиқиш жараёнида масъул қўмита вакили сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифларини мажбурий тартибда депутатларга етказиши белгиланган бўлибди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузурида Кирилган қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишнинг ташкил этиш бўйича Мувовиқлаштирувчи гуруҳ тузилиши назарда ту-



тилган. Мазкур гуруҳ келиб тушган қонун лойиҳаларини рўйхатга (ҳисобга) олади ва ушбу қонун ҳужжатларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб боради. Белгиланган тартиб-таомилларга риоя этиш, қонун лойиҳаси устида ишлашга экспертизлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти вакиллари жалб этиш ҳамда Регламентга амал қилиниши масалаларини эътиборга олади. Шунингдек, қонун лойиҳасида келиб тушган қонун лойиҳаларини тақсимлашнинг янада демократик, очик тартибининг йўлга қўйиш таклиф этилмоқда, бу тартибга мувофиқ Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз йиғилишида қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул бўлган қўмитани қоллегиал равишда белгилайди.

Умуман олганда, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»

ги Қонунга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш билан боғлиқ жараёни демократлаштиришни қучурлаштиришга қаратилган. Аммо бу ўзгартишлардан қўзғалтирилган асосий мақсад – парламентнинг қўйи палатаси кўппартиялилик асосида шаклланиши ҳамда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, аввало, парламент фаолияти доирасида амалга оширишини эътиборга олиб, сиёсий партиялар фракцияларининг фаоллигини оширишдан иборатдир.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда парламентдаги барча сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этиб, кўриб чиқилаётган ҳужжат юзасидан ўз катъий нуктаи назарларини билдирдилар.

Муҳокама яқунларига кўра қўйи па-

лата «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлис кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳоли бандлиги жараёнидаги таъсир кўрсатувчи ўзига хос хусусиятларини, устуворликларини ва истиқболларини, шунингдек, халқаро стандартлар ва нормаларни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида мақбул иш билан таъминлашга, аҳоли бандлигини ҳисобга олишни йўлга қўйишга, янги иш ўринлари ташкил этишга ва аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсади худудий дастурлари бажарилиши устидан мониторинг ўтказишга қаратилган қўшимча нормалар киритилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида товарларни электрон тарзда декларация қилиш тизимини, шунингдек, товарлар божхона худудига амалда кириб келгунга қадар божхона органларига олинган декларация бериш йўли билан уларни декларация қилиш механизмининг босқичма-босқич

жорий этиш назарда тутилган.

Қонунчилик палатаси юқорида кўрсатиб ўтилган барча қонун лойиҳаларининг асосий қондаларини маъқуллади ва депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун ҳужжатларини биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмиталарга ҳужжатларни навбатдаги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Ушбу қонун ҳужжатидан орқича тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тартиби аниқроқ белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуктаи назарларини билдирдилар. Депутатлар кўриб чиқилган қонунлар мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада қучурлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, парламентнинг қўйи палатасидаги қонун ижодкорлиги ишларини оптималлаштириш учун муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ЭКОҲАРАКАТДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ

Бахтиёр ЯКУБОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўлаб қўлиши, унинг сиёсий иродасини ифода қилиши зарурлиги тўғрисидаги гоёни ҳаётга татбиқ этиш партиянинг давлат ва жамият қурлишини эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш соҳасидаги устувор вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан партия бунинг учун мамлакатда чинакам кўппартиявийликка ва сиёсий плюрализмга асосланган замонавий вакиллик парламент демократияси тизимини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантириш зарур деб ҳисоблайди.

Бу гоёнинг амалда рўёбга чиқарилиши ва қундалик ҳаётимизда чинакам намоеён бўлиши давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида барча сиёсий кучларнинг, биринчи навбатда, ўз сайловчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шу жумладан, давлат қурлишининг муҳим соҳаси бўлган парламентнинг қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолиятида ҳам ҳимоя қилувчи сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини оширилишини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси бир гуруҳ депутатларининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси, айнан, биринчидан, парламент қўйи палатасида қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва масъулиятини қучайтиришга; иккинчидан, қонун лойиҳаларини фракциялар ва депутатлар гуруҳларида, шунингдек, масъул қўмитада кўриб чиқишнинг барча босқичларини янада батафсилроқ тартибга солишга қаратилган.

Бундан ташқари, мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси Девонининг иши янада такомиллаштирилишини таъминлаш лозим бўлиб, Девон парламентнинг қонунчилик фаолиятида катта роль ўйнайди ҳамда фракцияларга, депутатлар гуруҳларига уларни сайлаган аҳолининг, сайловчиларнинг манфаатларини акс эттирувчи сифатида қонун лойиҳаларини тайёрлашда зарур бўлган ташкилий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

Партиямиз парламент қўйи палатасининг қонунчилик фаолиятига қонун лойиҳаси масъул қўмита билан бир қаторда айна шу муддатларда фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларига) юборилишига доир тартибни жорий этишни нормаларни, айниқса, қўлаб-қувватлайди.

Қонун лойиҳасининг фракцияларга қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни масъул қўмита билан бир вақтда кўриб чиқишга киришиш ҳуқуқини берувчи, масъул қўмитанинг фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) қонун лойиҳасига доир фикрлари ва таклифларини лойиҳа юзасидан ўз хулосасини чиқаришини таққиловчи ушбу нормаларни сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларига Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ўз ваколатларини янада самаралироқ рўёбга чиқариш имконини беради.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг нормалари фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида қонун лойиҳаси устида иш олиб боришда иштирок этиш ҳуқуқини кенгайтиради ва уларга қонун лойиҳасини олдидан кўриб чиқиш босқичидаёқ сиёсий партияларнинг дастурий мақсадларидан, сайловчиларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз нуктаи назарларини шакллантириш, қонун лойиҳасининг у ёки бу қондаларига ўз фикрларини ҳимоя қилиш имкониятини беради.

Абдуманноб РАҲИМОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Бизнинг партиямиз ушбу қонун лойиҳаси «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демок-

ратлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ривожлантирила борилиб ишлаб чиқилган ва биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги фракциялари орқали қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг муҳим тартиб-таомилларида иштирок этишини фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, қабул қилинган қонунларнинг сифати, уларда партия электоратининг манфаатлари тўла ва ҳар томонлама акс этиши тўғрисида тўғри ана шу фракцияларга боғлиқ, деб ҳисоблайди. Жумладан, Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳузурида киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кўриб чиқилишини ташкил этиш, тушган лойиҳаларни рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) амалга ошириш ва кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб бориши лозим бўлган Мувовиқлаштирувчи гуруҳ тузиш таклиф этилаётганлиги Қонунчилик палатаси Девони ходимларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирокини фаоллаштиришда, парламент палатаси томонидан қабул қилинаётган қонунлар сифати учун уларнинг масъулиятини ҳам оширади.

ЎзХДП қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини кўриб чиқишга масъул қўмита билан бир вақтда киришиш ҳуқуқининг фракцияларга берилиши тўғрисидаги нормаларни тўла қўлаб-қувватлайди. Масъул қўмита фракцияларнинг қонун лойиҳасига доир фикрлари ва таклифларини қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Партиямиз мазкур норма қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида қонун лойиҳаси устида иш олиб боришда фракцияларнинг иштирок этиши борасидаги ҳуқуқларини кенгайтиради ва уларга қонун лойиҳасини дастлабки кўриб чиқиш босқичидаёқ ўз фикрларини ҳимоя қилиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, киритилаётган нормалар қабул қилинаётган қонунлар нормаларида аҳоли барча қатламларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш нуктаи назаридан сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг қонун лойиҳасининг дастлабки кўриб чиқиш босқичидаёқ ўз фикрларини ҳимоя қилиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, киритилаётган нормалар қабул қилинаётган қонунлар нормаларида аҳоли барча қатламларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш нуктаи назаридан сиёсий партияларнинг ўз сайловчилари олдиданги обрўсини ошириш ва мустақамлаш имконини беради.

Бунинг устига, бизнингча, қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг қонун лойиҳасининг партия электорати манфаатларига дахлдор у ёки бу концептуал қондаларига бўйича ўз нуктаи назарини ҳимоя қилиш имкониятини анча кенгайтиради.

Олим ЎСАРОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш соҳасида партиямизнинг энг муҳим вазифаларидан бири давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига демократик кадрларни жорий этиш ва мустақамлашдан иборатдир. Ана шу нуктаи назардан партия демократик кадрларнинг давлат томонидан тартибга солиниши ҳалқимиз манфаатларига монанд, унинг менталитетини, аъналарини, одамларимизнинг маданияти ва руҳини хусусиятларини уйғун равишда ҳисобга олувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш каби соҳаларни ҳам қамраб олиши лозим бўлган сиёсий жараён деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан, жумладан, бизнинг сиёсий партиямиз аъзоси иштирокида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси, бизнинг назаримизда, биринчи навбатда, парламент қўйи палатаси қонунчилик жараёнининг барча босқичларида демократик асосларни янада мустақамлашга қаратилган.

Биринчидан, бу қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъекти томонидан тайёрланган қонун лойиҳасини қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани унинг концепцияси асосланганлиги ва долзарблиги, унда барча сиёсий партиялар электоратини ташкил этишчи ижтимоий қатламларнинг манфаатлари тўлиқ акс этирилганлиги нуктаи назаридан демократик, бамаслаҳат ҳал этиш амалиятининг жорий этилишидир.

Иккинчидан, фракция (депутатлар гуруҳи) томонидан билдирилган нуктаи назарни кўриб чиқиш ва инобатга олиш мажбурийлиги тўғрисидаги норманинг жорий этилиши орқали қонун лойиҳасини тайёрлашнинг барча босқичларида, палатада ўринлар сони бўйича етакчилик қилаётган ёхуд ўзига қонун лойиҳаси учун масъул бўлган қўмита бириктирилган фракциянинггина эмас, балки барча фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олиниши мажбурийлиги ҳам демократиянинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Учинчидан, тушган лойиҳаларни тақсимлашнинг анча демократик, ошқора механизмининг жорий этиш (13-модда) таклиф этилмоқда, унга кўра қонун лойиҳасининг олдидан кўриб чиқилиши учун масъул қўмитани Қонунчилик палатасининг Кенгаши ўз мажлисида бамаслаҳат белгилайди.

Ишлаб чиқилган қонун лойиҳасининг долзарблиги қонун ижодкорлиги жараёнида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва масъулиятини янада оширишни, сайловчилар хоҳиш-иродасини ифодалашнинг янги, янада самаралироқ механизмида ишлаб чиқишнинг, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни, шунингдек, қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини янада қучайтиришни талаб қилувчи, тобора қучурлашиб бораётган демократик ислохотларга таъқоз этмоқда, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, қонунчиликдаги ушбу янгиликлар парламентнинг қонунчилик фаолиятида партияларга қурашни ва фракцияларга рақобатни анча қучайтириш имконини берадики, бу замонавий парламентаризмнинг ижобий тенденцияси сифатида эътироф этилмоқда.

Тўлқин АБДУСАТТОРОВ, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Қонунларнинг тўлиқлиги, мукамаллиги ва барқарорлигига эришишга, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмидаги такомиллаштиришга қўламашиш сиёсий ўзгаришлар соҳасида партиямиз платформасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу вазифалар, шубҳасиз, ҳавола этилаётган қонун лойиҳасида таклиф этилаётган нормалар билан ҳам ҳал этилиши мумкин. Масалан, Қонунчилик палатасининг Регламентида, биринчидан, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиш пайтида, уларни масъул қўмита томонидан 1, 2 ва 3-ўқишларга тайёрлаш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг албатта иштирок этишини; иккинчидан, ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фракцияларнинг нуктаи назарларини кўриб чиқишнинг мажбурийлигини назарда тутувчи қўшимча нормаларнинг киритилиши қонуннинг мавзуси ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги тўлиқ бўлишини ва нафақат қонунчилик техникаси борасида унинг мукамал бўлишини, балки қабул қилинаётган қонуннинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва ўзгаришларнинг манткии ҳамда эҳтиёжлари билан, аҳоли энг нозор қатламларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари билан, пировард натижада, ижтимоий адолат, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги нуктаи назаридан ўзаро боғлиқ бўлишини таъминлай олади.

Партиянинг фикрича, қонун лойиҳасида жорий этилаётган Қонунчилик палатаси мажлисларида лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнида маърузачи биринчи ва кейинги ўқишларда фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари

ва таклифларини мажбурий тартибда депутатлар эътиборига етказишга доир тартиб адолат принципига энг қўй даражада жавоб беради. Қонун лойиҳаси юзасидан уни тайёрлаш жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари (депутатлар гуруҳлари) томонидан киритилаётган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларнинг албатта ҳисобга олинишини назарда тутувчи норма ҳам адолатлидир.

Партия Қонунчилик палатаси Регламентига киритилиши таклиф этилаётган қонунчилик янгиликларни фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини фаоллаштиришга, уларнинг қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг барча босқичларида палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш имкониятларини оширишга, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатлари ва сайловчиларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуктаи назарларини ҳар томонлама ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишга қўламашиш деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, партия Қонунчилик палатаси томонидан қонун лойиҳаларини қабул қилиш тартиб-таомилига ва қонун лойиҳаларининг барча кўриб чиқиш босқичларида ўтиши устидан назорат қилиш механизмига киритилиши таклиф этилаётган янги қондалар нафақат Қонунчилик палатаси депутатларининг тавсиялари ва таклифларини, балки ўз фикрларини шахсий нуктаи назардан эмас, уставда белгиланган ва дастурий мақсадлар ҳамда вазифалар, энг муҳими, мазкур сиёсий партия электорати манфаатлари нуктаи назаридан шакллантирилган барча фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг фикрларини ҳам энг қўй даражада инобатга олиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Абдурахмон ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоси:

— Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини тўла қўлаб-қувватлайди, чунки республикада таркиб тоғлан қонунчилик, аниқроғи қонунларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга доир самарали чора-тадбирлар ҳуқуқий давлат қуриш ва қундалик турмушда қонун устуворлиги принципини қарор топтириш ишда муҳим роль ўйнавчи қонунлар сифати ҳамда самарадорлигини оширишга қўламашиш деб ҳисоблайди. Бунинг устига, бу қабул қилинаётган қонунларнинг аҳоли барча қатламлари орасидаги нуфузини оширади, негаки уларнинг манфаатларини ифодаловчи сиёсий партиялар ва бошқа депутатлар билгиланган, қонунчиликда таклиф этилаётган янги қондаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли ана шу ижтимоий қатламларининг манфаатлари барча қабул қилинаётган қонунларда энг қўй даражада инобатга олиниши борасида қечланган имкониятга эга бўлади. Ушбу ҳолат фуқароларнинг парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларга бўлган ишончини оширишга ижобий таъсир кўрсатади, пировард натижада, жамиятда қонунга зарур даражадаги итоткорлик шакллантирилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракцияларининг, шунингдек, Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг иштирок этиши процессуал механизмининг такомил-

лаштириш билан бир қаторда, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг қонунларни қабул қилишдаги роли ва масъулиятини оширади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга киритилаётган янги ҳуқуқий нормалар сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳидан қонун ижодкорлиги жараёнини, улар томонидан дастурий вазифаларини, сайловчиларнинг манфаатларини ифодалаш механизмида янада такомиллаштиришни, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида, қонунлар ижроси ва уларнинг самарадорлиги устидан парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партиялар фракцияларининг, шунингдек, Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг ва умуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг роли ҳамда масъулиятини янада қучайтирилишини талаб қилади.

Ш

ГАЛЛАЧИЛИКДА ҲОСИЛНИ ТЎПЛАШ ВА САҚЛАШ ЗАРБДОР ТЎҚСОН КҮНЛИГИ

Жиззах вилояти

ҲАР ЙИЛИ ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Ўтган йили туманимиздаги 12 та фермер хўжалиги давлатга шартнома режасидагидан кўпроқ галла топшириб, даромад ҳисобига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энгил автомобиллар эгаси бўлишди.

маъданли ўғити аралашмалари тайёрланиб, суспензия пуркаш ишларини амалга оширишмоқда. Бунинг учун 30 дан зиёд пуркаш мосламалари сафарбар этилган.



Жиззах туманидаги «Ҳожи Анорбой ота» фермер хўжалиги аъзолари бу йил галла ҳосилдорлигини гектарига 5-8 центнергача кўтаришга аҳд қилишган.

Ҳа, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига қаратилаётган эътибор ва меҳнатдан манфаатдорлик ошгани боис, туманимизда ҳам ҳосилдорликни ошираётган илгорлар сафи кенгайиб бормоқда.

Туман миришкорлари бу йил ҳам ушбу аънъани давом эттириш ниятида меҳнат қилаётганлар.

Туманимизда галлакорларнинг ушбу ҳаракатларидан кўриниб турибдики, улар бултурги ва ундан олдинги йиллардаги ютуқларини сўзсиз мустаҳкамлайдилар.

— Юртбошимизнинг ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга бўлган юксак эътиборлари туфайли далаларимизни шўр-зардобдан тозалаш, ҳосилимизга ҳосил қўшаётимиз, — дейди фермер Шавкат Аҳмедов.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳарбий соҳада олиб борилаётган кенг ислохотлар ҳар томонлама мукаммал, тезкор, ихчам, профессионал миллий армиямизнинг шаклланишида муҳим омил бўлди.

ҲАРБИЙЛИККА ҲАВАС УЙГОТИБ...

Фалларор иқтисодий касб-хунар коллежида ҳам ўқувчи-ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида мунтазам равишда ҳарбий спорт ўйинлари ўтказиб келинади.

Ўқувчи-ёшларга билим ва тарбия беришда коллежнинг қаҳриқача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси Абдуҳад Шомирзаев, жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Шерзод Эшқувватов ҳамда коллежнинг «Камолот» ЁИХ етакчиси Зокир Мама-товларнинг хизматлари катта бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқув даргоҳида ёшларнинг маънавий онгини юксалтириш, сиёсий ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга ҳам етарлича эътибор қаратилаётган. Шу мақсадда касб-хунар коллежида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Омон Шойзоковнинг ёшларга ибрат бўларли ҳаёт йўли ҳақида «Жангда жасорат, меҳнатда матонат» мавзусида бурчак ташкил этилган.

Фарғона вилояти

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЕШАРИҚ ТУМАНИДАГИ «ОНА ВА БОЛА» СИҲАТГОҲИДА ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА САЛМОҚЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Ҳаёт давомийлигининг асоси бўлган аёлни, хайрли ишларимиз давомчиси бўлган фарзандлар саломатлигини асраш — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим устувор йўналишидир.



Мухимжон Кодиров (ўза) олган сурат.

Фарғона вилоятида ҳам мазкур йўналишда салмоқли ишлар олиб борилаётган. Хусусан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли «Она ва бола» сиҳатгоҳида ҳар йили кўплаб оналар ва болалар саломатлиги яхшиланмоқда.

— Сиҳатгоҳимизда шифобахш сув ёрдамида аёллар ва ўн етти ёшгача бўлган болаларда учрайдиган овқат ҳазм қилиш аъзолари, модда алмасишуви ва пешоб йўли хасталикларини самарали даволаш йўлига қўйилган, — дейди сиҳатгоҳ бош врачлари Муроджон Эшонкулов.

— Сиҳатгоҳга биринчи бор келишим, — дейди Фурқат туманида яшовчи Зиёда Маматқуллова. — Фарзандим билан соғлигимизни мустаҳкамлашда бу ерда яратилган шароитлар кўл келмоқда.

Маълумотларга қўра, ўтган йили сиҳатгоҳда 2 минг 600 нафар она ва бола дам олиб, саломатлигини тик-

Сурғарё вилояти

Замонавий қишлоқ врачлик пункти

АҲОЛИГА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИМКОНINI ЯРАТМОҚДА

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ажойиб самаралар бераётган. Сирдарё вилоятида ҳам кейинги йилларда мавжуд 150 та қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуналари ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Чунончи, «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмалари ва қишлоқ врачлик пунктларида 93 дона фотокалориметрия (ФЭК) биокимё анализатори, ҳаракатлантирувчи муолажа столи ва бошқа 207,3 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар келтирилган аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифат даражасини янада оширди.

Бундан ташқари, Оналик ва болаликни муассасалари қуриш ва уларни қайта реконструкция қилишга ҳам катта эътибор қаратилаётган. Ўтган йили соғлиқни сақлаш тизимидаги 6 та объектни қуриш ва реконструкция қилишга давлат бюджетидан 8 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Қашқадарё вилояти

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Касби туманидаги Фазли ва Майма-ноқ қишлоқларида туман тез тиббий ёрдам бўлимининг шох-бобчалари аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Бунинг самараси ўлароқ, қишлоқ врачлик пунктлари, тиббиёт бирлашмалари шаҳарлардагидан қолишмайдиган қиёфа касб этади.

— Мақсадли дастурлар асосида қишлоқ врачлик пунктимизнинг энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги аҳолига намунали хизмат кўрсатиш имконини бераётган, — дейди Оқолтин туманидаги «Фарғона» қишлоқ врачлик пункти мудири Манзура Сейтаганбетова.

ОБОД МАҲАЛЛА

Навоий вилояти

ОБОДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСЪУЛИЯТИМИЗ КАТТА

Маҳалланинг обод бўлиши ҳақида ўйлаганимизда, Президентимизнинг «Ободлик кўнгиладан бошланади» деган сўзларини ҳаёлимдан ўтказаман. Ҳа, обод кўнгли билан маҳалламиз, юртимиз обод бўлиб борапти.

Ҳар куни, албатта, икки-уч нафар нуруний отахон билан кам таъминланган, бетоб кишилар ҳолидан хабар оламиз.

бўйича маслаҳатчимиз Гулнора Умматова маҳалла хотин-қизларининг энг яқин кишисига айланган. У бошчилигида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Маҳалламиздаги 1200 га яқин хонадонда 4800 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг барчаси ўзаро меҳр-оқибатли, ахил-иноқ.

Убод турмуш йилида ҳам мақсадимиз маҳаллаларда маънавий-ахлоқий ва ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ободончиликни кучайтириш, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини янада оширишдир.

Бухоро вилояти

ТАНЛОВ ГОЛИБИГА «МАТИЗ» АВТОМАШИНАСИ

Бухоро шаҳридаги Абдуҳолиқ Гиждувоний номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 35-сонли милиция таянч пункти Республика миқёсида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг бу йилиги мамлакат босқинчида биринчи ўринни эгаллаб, «Матиз» энгил автомашинаси билан тақдирланди.



Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2300 дан ортиқ фуқаро бўлиб, уларнинг аксарияти ёшлардир. Эътиборлиси шундаки, ўтган йили ҳудудда воғга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир бўлмади.

Ўзи бошқариш органи ва осойишталик посбонларининг ҳамкорлиги аҳолининг бандлигини таъминлашда ҳам кўл келяпти.

Эндилиқда маҳаллий аҳолининг тез тиббий ёрдам хизматини туман марказидан қаҳирлига ҳожат қолмади. Тиббий марказ «Дамас» русумли тез тиббий ёрдам машинаси ва биринчи ёрдам учун зарур барча дори-дармон ҳамда тиббий воситалар билан таъминланган.

Мазкур милиция таянч пунктининг аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги кенг қўллами ишлари танлов ташкилотчилари томонидан муносиб баҳоланди.

ОИЛАДА – ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА – ФАОЛ

(Боши 1-саҳифада)

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган "Ораста қизлар" тўғрисида...

Давлатимиз раҳбари томонидан "Обод турмуш йили" деб эълон қилинган жорий йилда...

Президентимиз ташаббуси билан таъсиб этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, санъат ва маданият, адабиёт йўналишида ўз тенгқуларига ибрат бўлаётган...

Қизлари доимий меҳр-ардоқда, эъзод бўлган, бегубор орзу-интилишларга қанот бағишланган шун муқаддас Ватанда турғилиб...

зандлик бурчимиздир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари – Қорақалпоқ Давлат университети журналистика факультети 1-босқич талабаси Айшолпан Оразимбетова, Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева...

Ўтган йил қашқадарлик ёш спортчилар учун омадли келди. Хусусан, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган карате бўйича Осиё чемпионатида Шахноза Ортиқова олтин медаль соҳиб бўлди.

Сарой фойсисда миллий хунармандликни ривожлантиришга оид кўргазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА, УСА муҳбири.

Қашқадарё Вилояти

ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ СПОРТ КОЛЛЕЖИДА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ, УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҲАМДА ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРИНИНГ СПОРТЧИ ҚИЗЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.



Жамиля Норқобилова (УСА) олган сурат.

роствламоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод камолоти йўлида олиб борилаётган ибратли ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Президентимизнинг совғаси менга жуда ёқди. Хурсандман. Бунинг учун

давлатимиз раҳбарига катта раҳмат, – дейди Қарши шаҳридаги 35-мактабнинг 5 синф ўқувчиси Захро Эргашева.

Спорт жону дилим. Енгил атлетика билан шуғулланганим туфайли ўзимни доимо бардам ва қувноқ хис этаман. Мақсадим – юртим байроғини ҳақон ареналарида баланд кўтариш.

Тантанали тадбир ёш спортчиларнинг кўргазмали

чиқиши ва бадий ҳаваскорлик жамоаларининг озод, обод ватани мадҳ этувчи тароналарига улашиб кетди.

Вилоят марказидан 1600 нафар, шаҳар ва туманлардан 25 минг нафардан ортиқ спортчи қизларга Президентимизнинг совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Т.Жўраев иштирок этди. Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq Hayoti" муҳбири.

○ Реклама ва эълонлар

"Тукал 1600" – сомон, хашакни йиғиб, тойловчи механизм (пресс-подборщик)

Тойларнинг узунлигини 0,5 метрдан – 1,3 метргача ўзгартириш мумкинлиги сабабли уларни сақлаш майдони тежаллади.

Қулайликлар: тойларни туширувчи мослама ва тойларни қисқариб қилиш билан таъминланиши мумкин.

Германияда ишлаб чиқарилган ем-хашакни йиғиб, тойловчи механизм ишончли ва созланчи осон.



Table with 2 columns: Specification (e.g., Type, Capacity) and Value (e.g., Yarm tirkamali, 10).

Ем-хашак тайёрлашда қўлланиладиган машиналарнинг тўла мажмуаси



Advertisement for ROSTSELMASH Agrotechnics of Professionals, including contact info and website.

ООО "SHAXRISTON SAVDO" (ИНН 302279971), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства...

Компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига! «ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ» ДАВЛАТ ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

Тендер савдоларида хорижий фирмалар ва ташкилотлар билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (таъминотчилар), шу жумладан, кичик бизнес субъектлари қатнашиши мумкин.

- 1. Идораларлар тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг "Ўзбектендерконсалтинг" агентлиги.

Advertisement for UZGUMI featuring a man with produce and text: 'ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛСА, ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ!'.

Footer area containing contact information, ISSN, and other publication details.